

## МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ

Марғилон шаҳар Мактабгача таълим бўлими мудири Х.Курбанова(хўжалик юритувчи субъект, ФИШ) бундан буён бир томондан «Харидор» деб юритилади, низом асосида ҳаракат қилувчи, иккинчи томондан ООО "BARAKA FARG`ONA PLYUS" раҳбари И.Исмоилов.

(хўжалик юритувчи субъект, ФИШ)

низоми асосида иш юритувчи бундан буён «Сотувчи» деб юритилади ва қуйидагилар ҳақида ушбу шартнома тузилди.

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли бўлган мол-мулкни сотиш, «Харидор» эса қабул қилиб олинган маҳсулот ёки товар (кўрсатилган хизмат) учун тўловларни белгиланган тартибда амалга ошириш мажбуриятини оладилар.

### II. ШАРТНОМА НАРХИ.

2.1.

Т/р №	Товарнинг номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1	Ковролин	Кв.метр	230	69565,00	15 999 950,00
	Жами:				15 999 950,00

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси: Ўн беш миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг тўққиз юз эллик сўм.

(рақамлар, езувлар билан)

### III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

3.1. «Харидор» товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товар, маҳсулот (кўрсатилган хизмат)нинг 30 фоизи микдорида пул маблағини олдиндан ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади.

3.2. Товар-маҳсулотларни етказиб бериш транспорт харажатлари «Сотувчи» томонидан амалга оширилади.

### IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ.

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома қонуний кучга кириб олдиндан 30%тўлов амалга оширилгандан сўнг товарни 1 ой муддат ичида «Харидор»га етказиб берили шарт.

(товар етказиб бериш муддати)

### V. ТОВАР СИФАТИ.

5.1. Етказиб берилаётган товар ёки маҳсулотларнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва «Харидор»нинг талабларига мос келиши шарт.

### VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

6.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га товарни етказиб бериш;

- Шартноманинг шартлари «Харидор» томонидан бузилганда берилган маҳсулотни қайтариб олиб қўйиш ҳуқуқига эга;

- Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилмаганлиги тўғрисида билдиришнома олгандан сўнг, сифатли бўлмаган мол-мулкни 10 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шарноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.



- «Сотувчи» етказиб бер ган маҳсулотларини ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитларни расмийлаштириш лозим.

#### 6.2. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

- «Харидор» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб ўз вақтида маҳсулотни қабул қилиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк елиб тушганлиги аниқлангандан сўнг, ушбу тўғрисида тегишли далолатнома тузилиб бу ҳақида 3 кун ичида «Сотувчи»ни огохлантириш.

- Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўловлар амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

### VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

7.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни жиро этилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган талаблар асосида жавобгардирлар.

7.2. «Сотувчи» томонидан «Харидор»га товар ва маҳсулотларни белгиланган муддатларда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун етказиб берилмаган маҳсулот қийматининг 0,5 % миқдорида «Харидор»га пеня тўлайди, лекин пеня миқдори кечиктирилган маҳсулот қийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган белгиланган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк етказиб берилмаган тақдирда, айбдор тараф ушбу маҳсулот қийматининг 20 % миқдорида жарима тўлашига сабаб бўлади.

7.4. «Харидор» томонидан олинган товар ёки маҳсулот учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4 % миқдорида «Сотувчи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортик бўлмаслиги лозим.

7.5. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида етказиб берилган товар ёки маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ етказиб берувчи томонидан қопланади.

### VIII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ.

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулоддатусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнғин, ер қимирилаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек харний ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа ҳар қандай ҳолатлар тегишлидир.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 1 ой давомида узлуксиз равишда давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш ёки қўшимча жиро муддатларини белгилашлари мумкин.

### IX. Томонларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича мажбуриятлари.

9.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши кураш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни томонлар бир-бирини ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилишини кафолатлайди.

9.2. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юз ага келганда дарҳол ёзма равишда (электронпочта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юз ага калган ҳолатга оидинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатни олган томон 10 (ўн) иш кунини мобайнида тушунтириш бериш ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

9.3. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.



## X. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

10.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал қилинади. Ўзаро келишилмаган тақдирда мавжуд низо Иқтисодий суди орқали Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида хал қилинади.

10.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

10.3. Ушбу шартнома 2022 йил «                    » 11 дан 2022 йил «31» 12\_гача 2нусада тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, ғазначилик бошқармаси (бўлими)да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга қиради.

## XI. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР.

### XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАР:

«Сотувчи»

«Харидор»

ООО "BARAKA FARG`ONA PLYUS"

Марғилон шаҳар Мактабгача таълим бўлими  
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Фарғона вилояти Фарғона шаҳри  
Дехкон кўчаси №17  
Тел./факс  
х/в: 20208000005297471001  
Банк номи:  
МФО: 00498  
СТИР : 307857921  
ОКОНХ

Манзил: Марғилон шаҳар  
Мустақиллик 673  
Тел./факс  
ш/х: 100022860304127091100251001  
СТИР: 305152353 ОКОНХ: 92400  
Марғилоншаҳри бўйича Ғазначилик бўл.


Ғазна х/в: 23402000300100001010  
Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент ш  
МФО: 00014 СТИР: 201122919


Раҳбар: И.Исмоилов.  
(Ф.И.Ш)

Раҳбар : Х.Курбанова  
(Ф.И.Ш)

(имзо)

(имзо)  
М.Ў.



	<b>Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan.</b> Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun <b>QR Code</b> ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	XOVAXON KURBANOVA QODIRJONOVNA
	Imzolangan sana	16.11.2022 08:41
	Hujjat kodi	<b>PL3716587400</b>
	Hulosa kodi	<b>MZ0301347554</b>

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

MZ0301347554

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Maxsulot etkazib berish shartnomasi**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Marg‘ilon shahri maktabgacha ta'lim bo‘limi tomonidan 15.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Marg‘ilon shahar  
yuridik markazi  
markaz rahbari:**



**K.T.GIYASOV**

15.11.2022